

ТОШКЕНТ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ОҚШОМИ

Газета 1989 йил 15 майдан чика бошлаган.

№ 110 (6. 809)

1989 йил 15 май, душанба

Баҳоси 3 тийин

М. С. ГОРБАЧЕВ ХХРга ЖўНАБ КЕТДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. С. Горбачев ХХР Раиси Ян Шанкунининг таклифига биноан расмий визит билан 14 майда Москвадан Пекинга жўнаб кетди.

М. С. Горбачев билан бирга сафарда унга ҳамроҳ бўлаётган КПСС Марказий Комитети Сийсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, КПСС Марказий Комитети Сийсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари А. Н. Яковлев, КПСС Марказий Комитети Сийсий бюроси аъзоллигига кандидат, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбасари Ю. Д. Маслюков, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР соғлиқни сақлаш министри Е. И. Чазов жўнаб кетдилар.

Аэродромда М. С. Горбачевни КПСС Марказий Комитети Сийсий бюросининг аъзолари В. И. Воронников, Л. Н. Зайков, Е. К. Лягачев, В. А. Медведев, Н. И. Рижков, В. М. Чебриков, КПСС Марказий Комитети Сийсий бюроси аъзоллигига кандидатлар А. П. Бирюков, А. В. Власов, А. И. Лукьянов, Г. П. Разумовский, Н. В. Тализин, Д. Т. Язов, КПСС Марказий Комитети секретари О. Д. Бакланов, бошқа ўртоқлар кузатиб қолдилар.

Кузатувчилар орасида ХХРнинг СССРдаги Муваққат ишлар вакили Чжан Чжэнь бор эди.

М. С. Горбачев шу кунни иш юзасидан Иркутскда тўхтади. (ТАСС).

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетиди

1989 йилнинг 22 апрелида В. И. Ленин тутилган кунининг 119 йиллигига бағишланган Бутуниттifoқ Коммунистик шанбалиг ўтказилди. Шанбалик совет кишилари сийсий фаоллиги ва меҳнат гайратининг ёрқин далили бўлди.

Шанбаликда 152 миллиондан кўпроқ киши қатнашди, улар саноатда, қишлоқ хўжалигида, транспортда ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ўзларининг иш жойларида, шунингдек шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг ободонлаштиришда меҳнат қилдилар. Шанбаликка тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чоғида юксак уюшқонлик ҳамда ишчанлик намоиш қилинди. Шанбалик қатнашчилари ўзларининг юксак уюшма меҳнати билан ўн йилкичи беш йиллик тўртинчи йили тошпириқларини бахтирлиқ муносиб ҳисса қўшдилар.

Дастлабки маълумотларга кўра, шу кун саноат маҳсулотининг ўзидангина 1,2 миллиард сўмлик тайёрланган. 453 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари, шу жумладан 116 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 337 миллион сўмлик ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. 236 миллион

сўмлик пудрат ишлари бажарилган.

Шанбалик қатнашчилари 291 миллион сўм маблаг ишлаб топишган.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети Бутуниттifoқ Коммунистик шанбалигига фаол иштирок этганларнинг ҳаммасига ишчилар ва колхозчиларга, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларга, Совет Армияси ва флотининг жангчиларига, ёшларга, уруш ва меҳнат ветеранларига фидокорона меҳнатлари, қайта қуриш ишга, мамлакат экономикасини мустаҳкамлашга беғараз ҳисса қўшганликлари учун самимий миннатдорчилик изҳор қилдилар.

Шанбаликда ишлаб топилган маблаглар совет кишиларининг истакларини ва меҳнат коллективларининг тақлифларини эътиборга олиб, республикалар, ўлкалар, областларнинг ихтиёрида тула-тўқис қолади ҳамда аввало соғлиқни сақлаш муассасаларини барпо этишга ва уларнинг моддий базасини мустаҳкамлашга, оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг янада яхшилашга сарфланади.



Халқимизга манзур либослар

Фоторепортаж

«Малика»нинг маҳсулотини кўрсам, бундан бир неча йил илгари автобусдаги ички айланиб суҳбати ёдга тушади.

— Ҳа, шу ҳам молми, трикотаж ўлсин, уч куниймай титилиб кетади. Шунга ҳам пул сарфлаб ўтирибсизми, айланай! Ҳа, бундоқ импортисни кўриб кетган эдим, жемпер ўлгурин?

Беш-олти йил бурун бу гапда жон бор эди. Энди эса аҳвол мундоқ ўзгача. Реконструкциядан сўнг маликачиларнинг буюмлари хариддор, бозори қаққон бўлиб қолди. Эндиликда корхона республикамизга областларини эмас, балки Иттифоқимиздаги кўпгина шаҳарларнинг ўз маҳсулотини билан таъминламакда.

Сифат учун кураш корхонада бадий кенгаш тузишдан бошланди. Ҳар бир яратилган кийимнинг янги нусхаси кенгаш муҳокамасидан ўтади. «Оқ йўл» олган буюмгина потонка қўйилади. Маҳсулот сифати ишлаб чиқариш жараёнида мунта-

зам назорат қилиб борилади. Потондаги ишчиларнинг малакаси ошиб борапти. Мастерлар томонидан улар ўқитилади.

Кунни неча жамоатчи муҳбиримиз Ҳолмат Мирзакаримов маликачилар ҳузурида бўлиб, сизнинг диққатингизга ҳавола этилаётган ушбу фотоларларни олиб қайтди. Биринчи суратда тўқув цехидаги янги дастгоҳлар акс этган. Бу ерда асосан комсомол-ёшлар меҳнат қилишади. Илгори тўқувчи, ВЛКСМ аъзоси Мавжуда Акромназарова (чапдан унгла) ва шу цех бригадаси бошлиғи Аловдин Маҳмудов «Катон» тилидаги тўқув машинасининг ишини кузатишмоқда. Иккинчи суратда таъриба цехининг комсомол ташкилоты секретари, моҳир расом-модельер Фотима Иброҳимова тасвирланган. У яратётган янги либослар кўпчиликлари манзур бўлипти. Пастдаги учинчи суратда эса янги либослардан намуналар берилган.

Шу кунларда корхонада кўришмоқда. Унда корхонанинг энг сўнгги моделидаги хариддорлар моллари намоиш этилади.

Истеъмол буюмларига

кенг йўл



меҳнат беллашуви авжига чиққан. Трикотажчилар иккинчи квартални зарбдорона якунлаш учун барча имкониятларни ишга солмақда.

лар. Уларнинг мақсади — халқимизга манзур либослар етказиб беришдир.

М. ҲАЛИЛОВ.

ЕР ЮЗИ БАХТ БИЛАН НУРАФШОН БЎЛСИН!

«Биз барча совет халқи сингари янги уруш бошланганини истаймиз ва ахши интило бача кишиларни ядроси дунё учун курашда билашшига даъват этамиз».

— 12 май кунини Тошкентдаги «Шарқ гули» бадий-ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлиб ўтган урушга қарши мингдан сўзга чиққан тикувчилардан Саодат Тоҳирова ва Маҳбуба Ҳўжаеваларнинг нутқларида ана шу фикр янгилади. Ҳар иккала аёл Тинчликни ҳимоя қилиш комитетининг аъзолари.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик учун кураш ҳаракати халқаро ҳафталиги доирасида бўлиб ўтган мингта С. Тоҳирова билан М. Ҳўжаевага Тошкент олий тинчликни ҳимоя қилиш комитети ва област тинчлик фондининг Фахрий ёрлиқлари топирилди.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик учун кураш ҳаракати ҳафталиги Жаҳон тинчлик кенгашининг ташаббуси билан ўтказилмоқда. Ҳафталик чоғида бутун республикада урушга қарши мингта ва юришлар, меҳнат вахталари ва тинчлик рейслари, ёшлар сийсий қўшнқлари фестиваллари, китоблар ва плакатлар ташаббуслари ўтказилди. Кинотеатрларда «Бахт-саодатимиз учун планетани сақлаб қоламиз» туркумидаги кинофильмлар кўрсатила бошланди.

(ЎТАГ).

МХРДАН СОВЕТ КЎШНИЛАРИНИ ОЛИБ КЕТА БОШЛАШ ТЎҒРИСИДА

Игарги эълон қилинганидек, шу йил май ойининг ўрталарида Монголия Халқ Республикасининг совет кўшнларининг қисмлари олиб чиқиб кетила бошлайди. 15 май кунини МХРнинг Эрдэвт ва Чойр станцияларидан танг дивизиони ва зенит-ракет қўшнларининг дастлабки бўлимлари Совет Иттифоқига жўнатилади.

1989—1990 йиллар мобайнида Монголиядан жами олиб чиқиб кетиладиган умумий сон 50 минг кишидан ошадиган қўшнлар составида 850 тадан кўпроқ танк, пивда аскарларнинг салкам 1100 та ҳарбий машинаси ва бронетранспортерлар, 820 тадан ортиқ турли артиллерия системалари, 190 та янги самолёт ва 130 та вертолёт СССР территориясига қайтарилади.

(ТАСС).

Тошкент—София—Тошкент рейси очилди

Бугун эрталаб М. С. Гавва вақти билан соат 5 дан 30 минут ўтганда «ТУ—154» самолёти Тошкент аэропортига учин майдондан қайтибди, Софияга йўл олди. Ўзбекистон граждани авиацияси бошқармасининг яна бир халқаро рейси очилди.

Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон учувчилари таърибасида биринчи марта линияни эксплуатация қилиш принциплари равишда янгила

олиб борилади. Ўзбекистон граждани авиацияси бошқармаси ва Болгариянинг «Балкан» компанияси ҳаракатларини ҳам, даромадларини ҳам тенг тақсимлайдилар. Бу учувчилар ихтиёрида валюта пайдо бўлади, деган гап. У кейинчалик халқаро ва ички линияларини янада ривожлантиришга сарфланади.

В. СТУЛИН.



МЕҲМОНЛАР ТАШРИФИ

лишга даъват этди. Рус ва ўзбекларнинг тандири тарихан боғлангани, улар ягона Ватанда яшаш лозимлигини башорат қилди. Эндиликда Ҳамза асарлари ўзбек ва рус тили билан бир қаторда белорус, арман, латин, тожик, СССР халқларининг бошқа тилларида ҳам янграмоқда. Ўзбекистоннинг иқтисодий юқинчилиги, унинг келажак билан ҳамнафаслиги, халқ донолигига қатъий ишончи кишиларимизга қадридли.

Ҳамза юбилейига бағишланган бўлажак тантаналарда қатнашиш учун Тошкентга Москва, Ленинград, қардош республикалардан адибларнинг катта гуруҳи, Франция, Туркия, Венгрия, Афғонистон ёзувчилари келишди.

Меҳмонлар 13 май кунини В. И. Ленин ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишди. Ҳамза Ҳакимзода Ниязий ҳайкали пойига ҳам гулчамбарлар ва гуллар қўйди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг кунини юбилей тантаналари қатнашчиларини қабул қилди. Меҳмонларга Ўзбекистонда қайта қуриш қандай бораётгани, қишлоқ хўжалиги, экология, тил сийсати, миллатлараро муносабатлар соҳасида республика олдига турган муаммолар ҳақида сўзлаб берилди. М. И. Иброҳимов ва суҳбатда иштирок этган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов меҳмонларнинг саволларига жавоб берди.

Шоира Л. Шинпахина суҳбат учун СССР Ўзбекистон союзи правлениясини номидан миннатдорчилик билдирди ва Ҳамза юбилейининг байрам қилиниш қардош адабиётларининг жинсашуви, ижодий алоқаларнинг равақ топишида янги қadam бўлиш лозим, деб таъкидлади.

Меҳмонлар пойтахтнинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар, республика тарих ва маданият ёдгорликлари муҳофаза қилиш пропаганда унда бўлди. Бу ерда таътиллаштирилган томоша кўрсатилди. Кечкурун «Баҳор» концерт залида интернационал адабий кеча бўлди.

(ЎТАГ).

ТУРКМАН ХАЛҚИГА ҲАМ ФАРЗАНД

Бердиназар ҲУДОЙНАЗАРОВ, Туркменистон ССР халқ ёзувчиси, Махтумқули мукофоти лауреати.

— Туркман халқи Ҳамзани ўз фарзанди деб билади. Бунинг асоси бор, албатта. Ҳамза Ҳамзанинг агитпоездига билан Қизил Арвоттача борган. Бу сафарларда унга туркман халқининг машҳур бахши шоири Дурди Қилч ҳамоҳули қилган.

Ўз вақтида туркман комсомол газетасининг муҳаррири, округ комсомол комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлаган Ўзбекистонда Ота Қовшутов Ҳамза билан жуда яқин бўлган. Инқилоб шорининг тавсияси билан бир пардали пьеса ҳам ёзган. Ҳамза эса ўз драматургиясида бу пьесани сахналаштирган.

Ҳозир Туркменистонда Ҳамза Ҳакимзода юбилейи кенг нишонланапти. Унинг деярлик ҳамма асарлари туркман тилида босилди, пьесалари эса сахнадан тушмай келаяпти. Амшобда қиқадиган барча газеталар ўзбек халқининг инқилобчи шоири ҳаётини кенг тасвирловчи материаллар эълон қилдилар. Хуллас, Махтумқули номи Ўзбекистонда қанчалар машҳур бўлса, Ҳамза туркман дийрида шунчалар қадр-қимматга эга.

Шунинг учун Ҳамза туркман халқига ҳам чин фарзанд десам сира янгилимаган бўламан. Халқимизнинг шоира бўлган меҳр-муҳаббат сўзларининг гувоҳидир.



Ҳамзанинг 100 йиллик юбилейида қатнашаётган рус шоира-си Людмила Шинпахина ўзбек шоири Рамз Бобожон билан суҳбатда.

Р. Шарипов фотоси.

Об-ҳаво ва саломатлик

Ўзбекистон ССР Гидрометеорология марказининг маълумотларига кўра шу ҳафта-нинг бошлари ва охирида республикамизда об-ҳаво бекарор бўлади. Жала ёғиб, момақалдирик бўлади. Айрим районларда дўл ёғиши, шомол тезлиги секундига 15—20 метргача кучайиши, баъзи жойларда чағилли тўфон кўтарилиши эҳтимоли бор. Ҳаво ҳарорати 14—19 даражадан 9—14 дарагача пасаяди. Кундузи ҳарорат 26—31 даражадан 14—19 дарагача ўзгариб туради.

Ҳафтанинг ўрталарида ёғин-герчилик бўлмайди. Ҳаво ҳарорати кечаси 11—16, кундузи 28—33 даража бўлади.

Ҳафтанинг ўртача ҳарорати

кўп йиллик нормага яқин келиши кутулади.

Н. А. Семашко номидаги сиҳат-саломатликни қайта тиклаш ва физиотерапия илмий-тадқиқот институти меҳди-об-ҳаво маълумотлари ва об-ҳаво таъсирининг олдини олиш маркази мутахассисларнинг фикрига қараганда, ҳафтанинг бошлари ва охирида об-ҳаво-нинг бекарор бўлиши, атмосфера жараянларининг ўзгариб туриши, жала ёғиб, момақалдирик бўлиши, атмосфера босимининг бекарорлиги, ҳаво ҳароратининг пасайиши об-ҳаво ўзгаришларига таъсирчан шовхонларнинг организмда салбий реакция келтириб чиқариши мумкин.

Авалги ҳафталадагидек врачлар юракнинг ишеми

касталиги, бош миёна қон томирларининг хасталиги бўлган беморларга алоҳида эътибор беришлари лозим. Асаб системаси, ўпка ва буйимлар хасталиги, айниқса ревматоидли полиартрит хасталиги бўлган беморларнинг аҳоли оғирлашиши, касалликнинг айрим белгилари кучайиши мумкин эканлигини ҳисобга олиш керак.

Об-ҳаво нохуш кунларда профилактика мақсадида юрак-қон томир хасталикларини, айниқса қон босими бўлган беморларнинг қон босимини вақти-вақти билан ўлчаб туриши, зарур бўлган ҳолларда даволловчи врачнинг тавсияси билан қон босимини мўтадиллаштирувчи дори-дармонларни, оғриқни қолдирувчи

препаратларни бериб туриш керак.

Тақвир-ҳаракат аппаратига хасталиги бўлган беморларга оғриқни қолдирувчи дори-дармонларни қабул қилиш тавсия этилади.

Ҳаво яхши келган кунларда об-ҳаво ўзгаришларига таъсирчан беморлар чинқиниш муолажаларини давом эттиришлари, очик ҳавода кўпроқ бўлишлари керак бўлади. Даволаш-физкультура машқларини нафас олиш машқлари билан қўшиб олиб бориш ниҳоятда фойдалидир.

Ана шу шарт-шароитларга риоя қилиш организмнинг об-ҳавонинг нохуш таъсирига қаршилик кўрсатиш қобилиятини оширишга хизмат қилади.

Янги рубрика:

«Бизнинг маънавий қадриятларимиз»

Исон фақат ризқ-рузи билангина, ҳозирги замон моддий неъматлари билангина яшай олмайди. У ҳақиқат ва инсоният адолат ва эришлик билан маънавий поклик ва инсонпарварлик билан барҳаёт-дир. Бу умумбашарий қадриятлар инсониятнинг бутун тарихи давомида шаклланиб, ривожланиб, янги мазмун билан бойиб келди.

К. Маркс билан В. И. Ленин умумбашарий қадриятларнинг объектив негизини очиб, уларни социал-сий қадриятлар билан диалектик равишда боғлаган эдилар. Эндиликда бу амалий сийсатининг энг асосий йўли бўлиб қолмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг февраль (1988 йил) Пленумида умумбашарий қадриятларнинг янги роли-нигича тафаккурнинг марказий бўғинидир, деб таъкидланди.

Ҳозирги ошкоралик даврида қиш тарихимизга асосли равишда таъкидий ёйдошлар экан, эҳтиросга берилиб кетадиган айрим кишилар бу сийсий, социал-истик қадриятларимизни шубҳа остига қўймоқчи бўладилар. Бунга жавобан М. С. Горбачевнинг «Қайта қуриш ва янгица фикрлаш мамлакатимиз ва бутун дунё учун» китобида «Биз социал-измдан четга томон эмас, балки яхшироқ социализм сари борамиз», деб таъкидланганини эслатиш ўрнили.

ХИХ Бутуниттifoқ партия конференциясида «Биз социализмни юксак маданият ва ахлоқли тузум, деб биламиз. Бу тузум инсоният маънавий камолотининг энг яхши ютуқларини, унинг бой маънавий таърибасини мерос қилиб олиб қўлайтирмоқда», деб айтилди.

Бизнинг тузумимизда ватанпарварлик ва интернационализм, юксак фазилатлар: инсонийлик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, камтарлик, аҳиллик, меҳриятлик, оқибат, саҳоватпешалик қадрланади. Улар бизнинг маънавий қадриятларимиздир. Бугунги янгилашни ва поклашни даврда бу қадриятларнинг жозибдорлиги янада ошиб, улар турғулик, мағрурлик ва маънавий қадриятларнинг ҳалокатли оқибатларидан ҳалос бўлмоқдалар.

Бугун «Бизнинг маънавий қадриятларимиз» янги рубрикада газета юзини кўрмоқда. Оқимонларга учинчи саҳифада Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Ҳамид Гуломнинг Ватан туйғуси ҳақидаги ўйларини ҳавола этмоқдамиз.

Ушбу рубрика остида кишиларнинг қайси маънавий қадриятлар ҳақидаги фикрлари билан танишишни хоҳлардингиз? Бу ҳақдаги хат-хабарларингизни кутамиз.

Партия турмуши: коммунистлар аттестацияси

СИНОВ ДАВОМ ЭТАДИ

НИГИЛИШ белгиланган вақтда бошланди. Комиссия аъзолари одатдигдек аттестацияга келувчилар рўйхати билан танишиб чиқишга, уларнинг характеристикаларини ҳам синчковлик билан ўқидилар. 6 кишидан иборат мажлис комиссияга «Мотор» заводнинг илгор ишлаб чиқариш новаторлари, партия ветеранлари, партом аъзолари киритилган. Комиссия ҳар ойда бир марта йилги ўқитиш, коммунистларнинг навабига-наваб «синов»дан ўтказди.

Завод бош энергетиги ўринбосари Малик Ортиқович Эрматов «Партия топириги қандай бўлиши керак?» деган саволга шундай жавоб қилди:

— Партия топириги қандай бўлишидан қатъий назар коммунист бир вазифа билан чегараланиб қолмасин керак. Масалан, мен жамоатчилик сектори учун жавоб бераман КПССга муносиб кишиларни танлаб, уларни резерв гуруҳларида тайёрлаш аниқ вазифамдир. Корхонамиз ишчилари орасида шундай оловқалб, принципиал ёшлар борки, уларни том маънода фидойилар, деб аташ мумкин. Бундан ташқари, партом қандай топириқ берса, шуни ҳам бажариб бораман.

— Бош энергетик ўринбосари сифатида ўз фаолиятини қандай камчиликларга йўл қўйяман деб ўйлайсиз?

— Қўп масалаларни охиригача етказиб биламан. Натижада бундай масалалар ечиммай, аро йўлда қолиб кетади. Бу меннинг ўзим кўриб турган энг катта камчилигим. Бундай одатин тарқ етишини асосий мақсад қилиб олганман.

Малик Ортиқович комиссия аъзоларининг КПСС Устави ва КПСС Программаси бўйича берган саволларига ҳам тўғри жавоб берди ва аттестациядан ўттиша муносиб деб топибди. Партия аттестациясига келган барча коммунистлардан аниқроғи шундай жавоб қўтиларди. Лекин ҳаммаси ҳам коммунист деган нота муносибмикин? Ҳаммаси ҳам қайта куришининг фаол позицияда туришмикин?

Сизнинг шайинида салбий фикрлар битилган характеристика билан танишини ҳам, таниш бўлсангиз бу ҳақда нима дейсиз?

— Ҳеч нарса деймайман, ҳаммаси тўғри ёзилган, —

— Пуқ, албатта. О. В. Поляванов, комиссия аъзоси: — Раҳимнинг ишлаб чиқаришда илгорлигига тан бермай илож йўқ. Лекин нима учун жамоат ишига бефарқ?

— Мен кўпинча ўзимга ўзим коммунист партиясиз кишидан нимаси билан фарқланади, деган саволни бераман. Ва афсофа фақат ноҳақликни кўраман.

О. В. Миронов, комиссия аъзоси: — Сиз касабаси раис эканингизда йилгига икки марта йўлланма олиб дам олишга бориб турганингизни биланман. Бу ноҳақлик эмасми? Сиз айтётган ноҳақликка бирор бир аниқ фақат айта оласизми?...

КПСС Устави ва Программаси бўйича берилган саволларга аниқ жавоб қайтаргани ҳамда ишдаги илгорлигига ҳисобга олиб Р. Б. Фарази шартли равишда аттестациядан ўтказилди.

Турли ёш, турли касбадаги одамларнинг аттестация вақтида табиийки, жавоблари ҳам турлича бўлади. Йилгилардан сўнг партия ташкилотининг секретари О. В. Мироновга савол билан мурожаат қилди.

— Аттестация вақтини кўтиб ўтириш шартми? Нима учун бошлангич партия ташкилотининг йилгиларида коммунистларнинг ҳисоботлари мунтазам эшитилиб бориладими?

— Коммунистлар ҳисоботи тинглаб борилади, албатта. Лекин илчиллик доимо етишармайди. Мана охириги марта ностандарт ўқиналар ва механика-автоматика цехининг бошлиғи М. Шевченконинг ҳисоботи эшитилди. Унда цехнинг қолқоқлика тушиб қолганига раҳбар коммунистнинг роли сўзланган қайд этилди ва тегишли чора белгиланди. Ҳозирги кунда мажорусида қайиби томонга ўзгаришлар сезиларли давом этапти.

Дарвоқе, аттестациядан ўтиш учун келган коммунистлар ишлаб чиқаришда сўзлаб ҳозирлаб олиш билан синовдан ўттиша муваффақ бўлса, яна бошқаси эксинга. Мана бу сафар 3 коммунистнинг таълири уз кил тарзда ҳал қилинди. Бари шартли равишда ўтти, иккинчиси муносиб топибди. учинчиси эса коммунист деган нолоний деб ҳисобланди. Хуллас, моторсозлар корхонасидан коммунистлар синови шу тарзда давом этмоқда.

Ф. ҲУСАНОВА.

Пекиндаги энг янги ва энг катта «Гоци» меҳмонхонасининг оппоқ биноси Хитой пойтахти марказига жуда яқинда турибди, бу ерда шу кунларда пардозлаш ишлари ниҳоясига етмоқда. Бежиринг коржомга кийган бинокорлар дастлабки чет эл журналистлари гуруҳлари билан фойеда дуч келиб туришмоқда, ушбу журналистлар чет эллардаги етқиқчи аз-борот агентликлар, радиоком-панилар ва телевидение компаниаларининг олий даражадаги бўлажак Совет-Хитой учрашувини ёритиш учун келган вакиллари. Ҳозирнинг ўзидек улар бу учрашувини XX аср охиридаги энг муҳим воқеа бўлади, деб баҳоламоқда. «Гоци» меҳмонхонасидан жойлашган совет матбуот маркази жаҳон матбуоти вакиллари оҳанграбодек ўзига тортмоқда.

— Ассалому алайкум, совет ўртоқлари, — бизни меҳмонхонага кириваришда соғина оқ оралаган ходим хушудлик билан илтиб олди ва ўстатдан рус тилида: «Хо-ро-шо!» деб қўйди. Биз бу янги танишимизга, рус сўзларини қаёқдан биласиз, деб савол берганимизда у жимгашиб, рус тили, рус қўшиқлари билан қорғида Хитойда жуда машҳур бўлган эди. Йилги-қўшларимиз ҳозир ҳам «Катюшани», «Москва оқшомларини...» бажонидил қўламоқдалар, — деб жавоб берди.

Меҳмонхонанинг 15-қаватида ТАСС ходимлари учун хоналар ажратилган. Бутун девор унинг катта дераза эгизлаган, ўрдин назар солсангиз шаҳар устида учиб юргандек бўласиз. Кўз ўнгимизда Пекин манзараси намоён бўлди, бу манзара, назаримизда тарих қатламларига ўшаб кетди, мана шаҳардаги бир қаватли томига кўл ранг черевлика белган эски уйлар, бу уйлар ён-верига эса замонавий меҳмонхона комплекслари, миллий ва чет эл компанияларининг ваколатхоналари... сал нари-роқда, «када» қўйиш мана эртанги император шарҳи — «Гуугунинг эгизлар сарой тоилари». Худди Москва сингари Пекин ҳам қалъа деворлари схемасига кўра қўрилган. Лекин Москва Кремль схемаси «думалоқ» бўлса, Хитой пойтахтидаги қўшлар «каттак» шаклида режалаштирилган. Бу ердаги барча қўшлар меҳмонхонамиз жойлашган марказий Чанъан проспектига қўндаланг эки унга мувофиқдир.

Ҳали, кечигача бу проспекти оммавий намоишларда қатнашган ёшлар билан тўла эди. Улар ислохотлар ва демократияни, Хитой Компартиясини қўллаб-қувватловчи, бюрократия ва паразитликка қарши курашга қорловчи плакатлар ва шоорларни кўтариб ўтишди.

Пекин матбуотининг ўқитишча, студентларнинг намоишларида бутунги Хитойдаги мавжуд мураккабликлар акс этди. Нарх-навоини кўтарилаётгани ва пулнинг қадрсизлаётгани, ишчиларнинг орта-ётгани ҳамда меҳнат унумдорлигининг пастлиги, қишлоқдаги қийинчиликлар, эзиллар кам пул топаётгани Хитой жа-

миятини ташвишлантирмоқда. Хитойдаги ислохот дуч келатган муаммолар каттадир ва бу муаммолар шу яқин орада тубдан ҳал этилмасе керек. Ислохот тадбирлари номуна-нособлигининг оқибатлари, сиёсий соҳадаги қолқоқлик ижтимоий муҳитда «ярк» этиб кўзга ташланмоқда. Мамлакат раҳбарияти бун сазиб турбди: сиёсий системани қайта қуриб, иқтисодий ислохотини давом эттириш йўли тутиломоқда, шундай қилингандагина сиёсат ва экономика бир-бири-ни рабатлантиради.

ларнинг ташқи қиёфаси ва кайфиятида ҳам сезилиб турибди. Буннинг сабаби қисман шундаки, ҳарид нархлари билан чакана нархлар ўртасидаги нисбат муаммоласи ҳал этилмаган, бу эса қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг бундан бўёнги ривожига тўсиқ бўлимоқда. Деҳқонларга зарур бўлган саноат моллари, яъни техника, ўғит ва ёнлиги нархларининг ортиб бораётгани қишлоқ хўжаликдаги меҳнатнинг, жумладан, дон ва пахта етишти-ришининг рентабеллигини тобора пасайтирмоқда. Бунинг ус-

кала давлат халқларининг ман-фаатларига тубдан эид бўлган катта қарорлар оқибати эди.

Аммо, ҳарқалай, бир тусда бўлмасе ҳам, фикр-мулоҳаза-лар ва иланишлар натижаси-да иккала мамлакат 80-йиллар-да социалистик ислохотлар йў-лига ўтди, деб ёзди «Гуанмин жибао» газетасида машҳур сиёсатшунос Гао Фан. Сўнгги бир неча йиллар мобайнида, деб ўқитрди у, Хитой ва СССРдаги ислохотларнинг на-зарияси ва амалиётида, бу ис-лохотларнинг олға қараб сил-

ПЕКИН АҲЛИ М. С. ГОРБАЧЕВ КЕЛИШИНИ КУТМОҚДА

Олий Хитой раҳбариятининг фикрича, ҳозирги вақтда пул-нинг қадрсизлавиши ҳамда экономика билан боғлиқ бош-қа муаммолар энг мураккаб муаммолар эмас. Хитой раҳ-бари Дэн Сяопин кунча халқини тарбиялашга етарлича эътибор берилмаганини ис-лохотнинг 10 йили мобайнида-ги энг жиддий нуқсон деб ата-ди. «Аҳолининг турмуш дара-жаси ортиб бораётган бир шароитда биз халққа ва ком-мунистларга курашдаги мато-нат аъналарини сақлаб қо-йиш зарурлигини эслатмадик, — деди у.

Шу кунларда Хитой матбуоти-да эъланланган бугунги Хитойга оид айрим муаммолар мана шунлардир. Бу йил ишчи-лар мамлакатдаги жамми аҳо-лининг 3,5 процентини ташкил этиши мумкин, ўтган йили бу кўрсаткич 2 процент бўлган эди. Демак, тахминан 40 мил-лион киши ишсиз бўлади. Уларнинг кўпчилиги ўрта мак-табни битириб қўтган, армия-дан бўшаб келган йилги-қў-шлардир. Булар орасида «ер би-лан алоқасини узган кечиги деҳқонлар ва қисқартириш на-тижасида ишсиз қолган киши-лар ҳам бор. Бу йил меҳнат бозорига биринчи бор чиқади-ган 10 миллион кишининг фе-қат ярмисигина меҳнат билан таъминланиши мумкин. Исло-хот бошлангандан кейин мам-лакат раҳбарияти сарфлаган жуда катта куч-ғайратларга қа-рамай, иш билан банд бўлиш илгари бўлгандек ҳозир ҳам жуда ўткир вазифалардан би-ри бўлиб турибди. Янги хў-жалик механизми ва аҳоли-нинг табиий ўсиши туфайли миллионлаб деҳқонлар шаҳар-ларга кириб келаятганини ва-зиятини янада мураккаблашти-рмоқда.

Гарчи ислохот йилларида қишлоқ хўжалиғи эришган му-ваффақиятлар шак-шубҳасиз бўлса, бу тармоқда катта мураккабликлар мавжуд бўлиб турибди. Бу бозор пештахта-лари ва магазинларда ҳам, одам-ларнинг ташқи қиёфаси ва кайфиятида ҳам сезилиб турибди. Буннинг сабаби қисман шундаки, ҳарид нархлари билан чакана нархлар ўртасидаги нисбат муаммоласи ҳал этилмаган, бу эса қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг бундан бўёнги ривожига тўсиқ бўлимоқда. Деҳқонларга зарур бўлган саноат моллари, яъни техника, ўғит ва ёнлиги нархларининг ортиб бораётгани қишлоқ хўжаликдаги меҳнатнинг, жумладан, дон ва пахта етишти-ришининг рентабеллигини тобора пасайтирмоқда. Бунинг ус-

жишида илгари бўлгандек та-фовутлар кўп, лекин яъни вақт-да муштарак ёки жуда ўхшаш ҳислатлар ҳам яққол кўзга ташланмоқда.

Совет Иттифоқи ва ХХРдаги — жаҳонда энг узун умумий чегарага эга бўлган ана шу мамлакатлардаги — тарихий жараёнларнинг қонуният-шунга олиб келдики, ушбу мамлакатлар ўртасида яхши қўшничилик ва ўзаро манфаат-дорлик принциплари асослана-диган муносабатларнинг янги мо-дели явулжа келмоқда. Икки томонлама савдо-иқтисодий му-носабатлар тез сўрватлар бил-лан ривожланиб борапти. Ўт-ган йили савдо ҳажми салкам 3 миллиард долларга етди. Чегара олдидан айрибшолса, аяйиксе, тез раванқ топи-моқда. Сўнгги беш йил ичиде ана шу айрибшолш ҳажми 20 баравар кўпайди. Совет томи-ни, жумладан, Хитойдан хари-дордир, енгил ва озиқ-овқат то-варлари олмақда. ХХРга эса «ускуна ва хом ашё етказиб берилмоқда.

Хитойдаги ўртоқларнинг фикрича, ҳар бир давлат ўза-ришларнинг ўзига хос йўлла-рини қидирмоқда. Аммо, Хи-той коммунистларининг фикри-ча, тажрибани баҳам қўриш, ҳар бир социалистик мамла-катдаги ислохотлар сабоқла-ридан хулоса чиқариш зарур ва мақсадга мувофиқдир.

Олий даражадаги Совет-Хитой учрашуви иккала мам-лакатдаги янгица фикрлаш ва социалистик янгиланишнинг қонуний натижаси бўлади. 50-йиллардаги муносабатлари-мизга қандай баҳо берилиши-дан қатъи назар, эндиликда бу муносабатлар ўтмиш бўлиб қолди. Бу ички сиёсатга ҳам, халқаро ишларга ҳам даҳлдор-дир. Ўтган ўн йилликлар мо-байнида Совет-Хитой муноса-батлари мураккаб йўлни босиб ўтди: «абайди дўстликдан на-зарий ва сиёсий муҳолифлик-ка, чегарадаги отишмаларга ўтдик. Буларнинг ҳаммаси ик-

эркин иқтисодий минтақалар ташкил этишдек шериклигини принципал янги формалари зарур, бошқача айтганимизда, «товарга товарни» айирбош-лаш принциплари иккала то-мон манфаатларини ҳисобга олиб, кўп томонлама ҳамкор-ликка ўтиш зарур.

Илм-фан ва техника, мада-ният, туризм ва спорт соҳа-сида айирбошлаш учун ҳам му-айян истиқбол очилмоқда.

Қадим даврда яшаган Хитой файласуфи Конфуций «Учра-шмасанг гапласа олмайсан, га-пласанг гап — ҳал эта олмай-сан. Совет раҳбарининг Хи-тояга қиладиган ташрифини муҳокама қилаётган хитойлик суҳбатдошлар файласуфининг бу сўзларини тез-тез тилга олишпти. М. С. Горбачевнинг ХХП ветерани, «Хитой ислохот-тининг меъмор» Дэн Сяопин билан учрашуви Брестдан Хай-нань оролигача улкан террито-рияда яхши қўшничилик ва ҳамкорлик муҳитини явулжа келтириш учун, бутун дунёда тинчлик ва барқарорлик учун жуда катта аҳамиятга эга бўла-ди.

ХХР раиси Ян Шанкуй, Хи-той ҳукуматининг бошлиғи Ли Пэн ва Хитойнинг бошқа раҳ-барлари билан суҳбатлар чоғи-да икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорлигини принципал йў-налишлари муҳокама қилинган, ўзаро алоқаларнинг янги ис-тиқболли соҳалари белгилб олинган, деб қўтиломоқда. Бу соҳада иккала мамлакатнинг икки томонлама ҳам битмас-туғанмасдир, аралаш корхоналар, энергетика, транс-порт, илм-фан, маориф... ана шундай соҳалардир.

М. С. Горбачевнинг визити ана шуниси билан диққатга са-зovorик, дунёдаги энг катта икки Коммунистик партия — КПСС ва ХХП ўртасидаги кўп йиллар олдидан ўзилиб қолган алоқалар ана тикланди. Бу воқеа халқаро коммунистик ҳаракатнинг янги тафаккур ру-ҳида ривожланиши учун гоат муҳим аҳамиятга моликдир. У социалистик янгиланишнинг ислодий жараёнида гоилари ўзаро айирбошлашга омил бўлади.

«Мен ва дўстларим ўртоқ Горбачевнинг ташрифини кут-дигина ва унга катта муваффа-қиятлар тилаймиз. Бизнинг ик-кала мамлакатимиз раҳбарла-ри ўртасидаги учрашув дўсти-лигини ривожлантиришга брадм беради, барча соҳаларда бў-лажак дўстона ҳамкорликка замин яратяди, деб ишоними-зи учун ҳамма асослар бор. Май — баҳорнинг табиат гул-лаб-яшаган ойидир. Дўстли-гимизнинг ҳам баҳори бошлан-гани — мартуб — остига «Хи-той, фуқароси деб имзо че-кан Усин шаҳрида яшовчи Ян-Сигун совет элчихонасига ана шуларни ёзиб ноборди.

Григорий АРСЛАНОВ, Андрей КИРИЛЛОВ, Вячеслав ТОМИЛИН, Геннадий ШИШКИН, ТАСС махсус мухбирлари. Пекин.

1989 йилги БУТУНИТТИФОҚ АҲОЛИ РЎЙХАТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССР БЎЙИЧА ДАСТЛАБКИ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Давлат статистика комитетининг ахбороти

Ўзбекистон ССР Давлат статистика комитети 1989 йил январияда ўтказилган Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатининг Ўзбекистон ССР Қорақалпоғистон АССР, областлар ва Тошкент шаҳри бўйича аҳолининг сони, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ҳамда унинг жинси тўғрисидаги дастлабки яқунларини ишлаб чиқди.

1. Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати маълумотларига кўра, Ўзбекистон аҳолиси 1989 йилнинг 12 январияда 19 миллион 906 минг кишини ташкил этди.

Ўзбекистон аҳолиси сонининг урушдан кейинги йиллардаги рўйхатларга мувофиқ ўзгариши қуйидагича бўлди (миллион киши):

1959 йилда (15 январда) — 8,1
1970 йилда (15 январда) — 11,8
1979 йилда (17 январда) — 15,4
1989 йилда (12 январда) — 19,9
1979 йилги аҳолини рўйхатта олишдан кейин ўтган 10 йил мобайнида республика аҳолиси 4,5 миллион киши ёки 29,2 процент кўпайди.

2. Қорақалпоғистон АССРда, областларда ва Тошкент шаҳрида аҳоли сонининг ўзгариши қуйидагича бўлди:

Аҳоли сони, минг киши:	1979 йил	1989 йил
1979 йил	1989 йил	

Ўзбекистон ССР	15391	19906	129
Қорақалпоғистон АССР	901	1214	135
Андижон области	1349	1728	128
Бухоро области	887	1141	129
Қашқадарь области	1121	1594	142
Наманган области	1100	1475	134
Самарқанд области	2160	2778	129
Сурхондарь области	895	1255	140
Сирдарь области	960	1316	137
Тошкент области	1792	2157	120
Фарғона области	1694	2153	127
Хоразм области	747	1016	136
Тошкент шаҳри	1785	2079	116
Табиий кўнайиш аҳоли кўпайиб бораётганининг асосий омиллири.			

3. Ўзбекистон ССР аҳолисининг шаҳар ва қишлоқ аҳоли-сига бўлиниши қуйидагича ўзгарди:

Ўзбекистон ССР	1989 йил	1990 йил	1989 йил	1990 йил
1989 йил	1990 йил	1989 йил	1990 йил	

1979	15391	6348	9043	41	59
1989	19906	8106	11800	41	59

Шаҳар аҳолиси 1979 йилга нисбатан 1 миллион 758 минг киши, шу жумладан, табиий кўпайиш ҳисобига 1 миллион 504 минг киши, миграция оқими ва қишлоқ пунктла-рини шаҳар пунктларига айлантириш ҳисобига 254 минг ки-ши ошди. Қишлоқ аҳолиси 2 миллион 757 минг киши кў-пайди.

4. Эраклар ва аёллар сони қуйидагича ўзгарди:

йиллар	минг киши		1000 эркакка тўғри келадиган аёллар			
	эркаклар	аёллар	жамии аёллар	шахар аҳолиси	қишлоқ аҳолиси	
1959	3897	4222	1083	1124	1063	
1970	5744	6055	1054	1069	1046	
1979	7558	7833	1037	1042	1033	
1989	9819	10087	1027	1048	1013	

1959 йилда аёллар эраклардан 325 минг киши кўп эди. Кейинги йилларда бу тафовут қайтадан 1989 йилги рўйхат пайтида 268 минг кишига тушди. Аёлларнинг эраклардан кўпчилиги 30 ёшдан кейин бошланган ва эрак аҳолининг ўли-ми бирмунча юқори даражада эканлиги билан, бундан таш-қари некаса ёшдагиларда эракларнинг уруш йилларида кўп нобуд бўлганлиги оқибатлари билан изоҳланади.

5. Қуйида Қорақалпоғистон АССР, областлар ва Тошкент шаҳри аҳолисининг сони тўғрисидаги рўйхат маълумотлари берилган:

1989 йил 12 январда аҳоли сони (минг киши)	1989 йил 12 январда аҳоли сони (минг киши)	1989 йил 12 январда аҳоли сони (минг киши)	1989 йил 12 январда аҳоли сони (минг киши)	1989 йил 12 январда аҳоли сони (минг киши)	1989 йил 12 январда аҳоли сони (минг киши)
1989 йил	1989 йил	1989 йил	1989 йил	1989 йил	1989 йил
1989 йил	1989 йил	1989 йил	1989 йил	1989 йил	1989 йил

Ўзбекистон ССР 19906 8106 11800 129 41 59 41 59

Қашқадарь области	1594	415	1179	142	26	74	25	75
Наманган области	1475	550	925	134	37	63	34	66
Самарқанд области	2778	926	1852	129	33	67	42	58
Сурхондарь области	1255	245	1010	140	19	81	19	81
Сирдарь области	1316	407	909	137	31	69	29	71
Тошкент области	2157	958	1199	120	44	56	43	57
Фарғона области	2153	703	1450	127	33	67	33	67
Хоразм области	1016	283	733	136	28	72	20	80
Тошкент шаҳри (1)	2079	2079	—	116	100	—	100	—

6. 1989 йилнинг бошларида 124 та шаҳар, шу жумладан, аҳолиси 100 мингдан ошган 16 та шаҳар бор эди. 1979 йилги аҳоли рўйхатидан кейин 16 та шаҳар республикада-ги 2 та шаҳар — Ўзбекистон ва Навоий аҳолиси юз минг киши-дан ошди. Катта шаҳарларда яшовчи аҳоли (100 мингдан ортқ аҳолиси бўлган шаҳарларда) 1979 йилга нисбатан 25 процент кўпайди.

Аҳолиси 100 минг ва ундан кўпроқ киши бўлган шаҳар-лар, шунингдек, область марказлари аҳолиси сонининг ўз-гариши:

Аҳоли сони, минг киши:	1979 йил	1989 йил
1979 йил	1989 йил	
1979 йил	1989 йил	

Олмалик	101	114	113
Анжен	106	131	124
Андижон	230	293	121
Бухоро	185	224	121
Ўзбекистон	70	102	147
Қарши	108	156	144
Қўқон	153	182	119
Марғилон	110	125	114
Навоий	84	107	127
Наманган	227	308	136
Нукус	109	169	155
Самарқанд	346	366	106
Тошкент	1780	2073	116
Термиз	57	83	146
Урганч	100	128	128
Фарғона	176	200	114
Чирчиқ	132	156	119

Аҳоли рўйхатининг аҳоли жинси, ёши, миллиати, тили, маълумот даражаси, нияҳда бўлиш ҳолати, оилаларнинг миқдори, аҳолининг уй-жой шароитлари ва бошқа кўрсаткич-лар тўғрисидаги батафсил маълумотлар СССР Давлат ста-тистика комитети томонидан ишлаб чиқилмоқда ва «1989 йилги Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатининг яқунлари» тўпла-лари туркумида эълон қилинади.

1. Шаҳар Советига бўйсунувчи аҳоли пунктлари қўшиб ҳисобланган.

Ўзбекистон ССР Давлат статистика комитети



«Шерқ гули» ишлаб чиқариш бирлашмасининг махсуслаш-лари фақат мамлакатимиздагина эмас, балки ҳар қандай эл-ларда ҳам шухрат топибди.

СУРАТДА: комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиғи Васи-ла Хайруллаева.

Р. Шарипов фотоси.

Икки кунлик ёрдам вахтаси

Амударё этакларида, Оҳангарон водийсида. Қар-ши қўйида — «Ўзбекидро-энергострой» коллективлари меҳнат қилаётган ҳамма ер-да, шунингдек трест аппара-тида ишчилар ва хизмат

Пойтахт радиотўлқинларида

ТВ: «Тошкент»

студияси

кўрсатади

У КАНАЛДА

15 май, душанба, 20.55

«Кескин танкид остида».

17 май, чоршанба, 19.30

«Шаҳар портрети» (рус.). 21.05

«Пульс». Информацион кўр- сату.

19 май, жума, 21.05

«Пульс». Информацион кўр- сату (рус.).

Реклама ва эълонлар

Тоғлар жозибаси

Велгозон сўмоқлар, тоёқар тоғ дарёла- ри, кўкати ари билан тўйинган мусавфо ҳаво, роҳатбахш сукунат, табиатнинг бетак- тор манзаралари... Агар сиз дам олиш кун- ларингизни ёки отпускангизнинг бир қисми- ни сарфлаб Тошкент яқинидаги тоғларга чиқсангиз ана шуларнинг ҳаммасидан баҳ- раманд бўлишингиз, мириқиб ҳордақ чиқа- ришингиз мумкин.

ТУРИЗМ ЙўЛЛАМАЛАРИНИ РЕА- ЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ БҲОСИ ҚУЙИДАГИ «ЧИМЕН» ТУРИСТЛАР КОМПЛЕКСИ- ГА ЙўЛЛАМАЛАРНИ ТАҚИФ ҚИЛАДИ:

УЧ КУНГА (май ойида) — 21 сўм;
5 КУНГА (май — июнь ойларида) — 35 ва 55 сўм;
10 КУНГА (май ойида) — 70 ва 110 сўм.

«ЯНГИБОД» ТУРИСТЛАР БАЗАСИГА:

3 КУНГА (май ойида) — 18 сўм;
5 КУНГА (май ойида) — 30 сўм;
10 КУНГА (май ойида) — 60 сўм.
Йўллама қийматига экскурсия хизмати, овқатланиш ва жойлаш харажатлари ки- ради.

Барча масалалар бўйича қуйидаги адресга мурожаат этинг: Тошкент — 11, Навоий кўчаси, 69—А, справка- лар учун телефон: 44-12-90.

ТУРИЗМ-ЭКСКУРСИЯ ЙўЛЛАМАЛАРИНИ РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ БҲОСИ.

Қўшимча пенсия страхованиеси шартномасини ўз вақтида тузиб қўйсангиз,

Госстрах органлари

ҲАР ОЙДА 10 СЎМДАН 50 СЎМ- ГАЧА ҚўШИМЧА ПЕНСИЯ ОЛИ- ШИНГИЗГА ҚАҲОЛАТ БЕРАДИ!



ҚўШИМЧА ПЕНСИЯ страхование муҳлати тугаган вақтдан бошлаб киши умрининг охиригача тўланади. Бу пул олдин — тўпланган страхование ба- даллари ҳисобидан, кейинчалик эса давлат бюджетидан маблағи ҳисобидан тўланади.

Қўшимча пенсия страхованиеси шартномасини фақат ишлайдиган граждандар: 25-65 ёшдаги эркеклар, 20—60 ёшдаги аёллар, шунингдек 6 ёшгача бўлган иккита ва ундан ортиқ болали тарбиялаётган ва шу муноса- бат билан ишламаётган аёллар ту- зиблари мумкин.

Тўлов бадалининг миқдори: қўшим- ча пенсия миқдори, страхование қилдирувчининг ёшига ва страхование муддатига боғлиқ.

Страхование қилдирувчи пенсия

ёшига етгандан сўнг ҳам ишлашда давом этаётган ҳолларда ҳам қўшим- ча пенсия тўланаверади.

Страхование қилдирувчи қўшимча пенсия олиш ҳуқуқи кучга киргандан сўнг вафот этган тақдирда ундан ке- йин қолган умр йўлдошига ёки ва- сиятномада кўрсатилган бошқа шахс- ларга шу маҳалгача марҳумга қў- шимча пенсия тарзида тўлаб бўли- ган пулларни ҳисобдан чиқариб та- шлаган ҳолда етти йиллик пенсия миқ- доридан маблағ тўланади.

СТРАХОВАНИЕНИНГ БУ ТУРИ Тўғрисида БАТАФСИЛ МАЪЛУМОТИ ДАВЛАТ СТРАХОВАНИЕСИННИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ИСТАЛАН БИР ИНСПЕКЦИСИДАН ОЛИ- ШИНГИЗ МУМКИН.

ДАВЛАТ СТРАХОВАНИЕСИННИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ

Дала—пештахта конвейери—харидорларга сифатли маҳсулот етказиб бериш гарови!

Хўжалик ҳисобидати «Таш- горПО» савдо бирлашмаси таркибига кирувчи Юнусобод массивидаги «Саманган» ма- газини ва Олой бозоридидаги 1-магазини ана шундай усул- да, ижара пудратидида меҳ- нат қилади.



Магазинлар маҳсулотларни колхоз- ва совхозлардан, яъни сотувчилардан шартнома нархлари бўйича мустақил сотиб олади.

Харидорлар молларни тавлаш, улар- ни ўз билгиларича саралаш ва шарт- нома нархлари бўйича ҳақ тўлаш ҳу- қуқига эга.

Магазинларнинг коллективлари қи- лоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш — консервалаш, тузлаш, тў- раш билан шугулланади. Қайта иш- ланган маҳсулот белгиланган нархлар

бўйича аҳолига сотилади. Аҳолига қўшимча хизмат тариқаси- да моллар уларнинг уйларида етказиб берилади (харидор билан келишувга мувофиқ).

ХАРИДОРЛАРГА ЮКСАК МАДА- НИЯТЛИ ХИЗМАТ КўРСАТИШ — БРИГАДА ПУДРАТИ УСЎЛИДА МЕХНАТ ҚИЛАЕТГАН КОЛЛЕК- ТИВЛАРНИНГ РАҲБАРИЯТИ АНА ШУ ҚОИДАГА АМАЛ ҚИЛА- ДИ.

«ТАШГОРПО» (48-16-28).

«Консул» кооперативи

КООПЕРАТИВЛАР ТАШКИЛОТЛАР, САНОАТ ВА САВДО ҚОРҲОНАЛАРИ

БОШ БУХГАЛТЕРЛАР ВА ИҚТИСОД- ЧИ БУХГАЛТЕРЛАР ТАЙЕРЛАЙДИГАН ҚУРСЛАРГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ

ҚИЛМОҚДА

МАШҲУДОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ- ДАН АЖРАЛГАН ВА АЖРАЛМА- ГАН ҲОЛДА РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ- ДА ОЛИБ ВОРИЛИШТИ.

ТАЪЛИМНИ ТОШКЕНТ ХАЛҚ ХўЖА- ЛИГИ ИНСТИТУТИ БАЗАСИДАГИ ЮҚО- РИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИҲОК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚА- РИШ ҚОРҲОНАСИ.


ОЛИБ ВОРИШАДИ. ҚУРСЛАРНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ВИ- ТИРГАНЛАРГА ҒУВОҲНОМАЛАР БЕ- РИЛАДИ.

Ўқиб шарт — 1 ой. 250 сўм пул тўла- нади. Бошқа шахарлардан келганлар меҳ- монхона типидидаги ётоқхона билан таъмин- ланади.

Справканини ҳар кунини соат 14.00 дан 18.00 гача 58-39-02 телефонлари орқали олиш мумкин.

«КОНСУЛ» КООПЕРАТИВИ.

«Союзреклама» БУТУНИТТИҲОК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛА- МА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚОРҲОНАСИ.



Дам олиб, балик овлash ҳузури бахш этади.

Агар курортга бормоқчи бўлсангиз

Май байрамлари ўтгани- дан кейин ёз бошланиб, дам олиш мавсуми ҳам келаёт- ганлигини эслаб қўйиш ўрин- ли бўлади. Кўпчилик Қора денгиз, Кавказ минерал су- лари, Кабарда-Балқария, Ка- лининград областидидаги кур- ортларга бориш ниятида.

У ерларда қандай кутиб оли- шаркин, дурустроқ хизмат қилишармикин. Бир қанча министрликларнинг қорхо- налари ва ташкилотлари зим- масига ана шу вазифа юкла- тилган. Савдо, айниқса уму- мий овқатланиш қорхоналари- нинг ходимлари кўпроқ иш- лаб, елиб-югуришлари ло- зим бўлади.

Курортларда савдо қилиш Бош бошқармасининг маъ- лумотларига кўра, май ойи бошларида курорт-шаҳарлар- да жойлашган умуий овқат- ланиш қорхоналари ва ма- газинлар ремонтдан чиқди. Ўтган йилга нисбатан бундай қорхоналар ва дўконлар анча кўпайди. Ёз чоғида кўпгина чорғор дўконлар очиб ҳам мулкисаломонда, Фақат Сочининг ўзидидагина 2,5 минг та павильон, киоск ва дўкон- ча ишлайди.

Дам олишга кетаётган одам- лар курортларда ҳолодиль- ник ёки электр чангогитчи сотиб олишмайди. Ўша жой- лардаги дўконларда соқол- ларга олиш учун писка, со- вуи, аёлларнинг пайпоқлари, соқил, чойшаб, халатлар етар- ли бўлиб бас. Таассуфки, хо- латининг ўзидеки ана шундай товарлар етишмайди. Де- нгиз ёқасида ёки Кавказ тоғ- ларида дам олишга отлана- ётган одамлар, бу нарсалар- ни ўзингиз олиб кетганингиз маъқул.

Курорт — шаҳарлардаги савдо шохобчаларида ҳаши- ша меҳнат ресурслари етиш- майди. Ўтган йиллар синга- ри бу йил ҳам дам олувчи- ларга хизмат кўрсатиш учун Савдо министрлиги техник- кумларининг ўқувчиларини жалб этишга қарор қилинди. Ингит-қилар курорт савдо- си Бош бошқармаси қорхо- наларида 4-разрядли ош- паз бўлиб, ишлаб чиқариш тажрибасидан ўтадилар.

Ўрта мактабларнинг юқори синф ўқувчилари, техникум- лар ва ҳунар-техника билим юр- тларининг талабаларидан 6 мингга яқини дўкончалар- да ишлайдилар.

Ёзги савдо мавсумига тай- ёрлик қилиётган экан, яна бир қарра давлат план комитетларимиз ва давлат таъминот комитетларимиз- га бир мартагина фойдала- ниладиган идишлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш за- руригини эслаб ўтиш ло- зим бўлади. Бу муаммо ҳо- зиргача ҳам ҳал бўлгани йўқ. Ақл бовар қилмаси ҳам шунинг айтиб қўйишимиз ке- ракки, курорт савдоси Бош бошқармасига қорғос станка- лар ва либончалар тайёрлаш учун ажратилган фондлар эҳтиёжнинг фақат 8 процен- тини қоплайди. Умумий овқат- ланиш шохобчаси ювниш воситалари, чинни, фанис идишларини ҳам эҳтиёждан кам олмақда.

Курорт-шаҳарларга одам- лар путёвка олмай ҳам даво- ланишга келишмоқда. Шу- нинг учун ҳам тайёр масал- лиқларга эҳтиёж катта. Ле- кин бундай масаллиқлар тайёрлаш тез қўлайлашти- ради. Краснодар ва Ставропол- ь ўлкаларида қулинария ма- газинларининг товар обороти камайиб боришти. Хўш, ана шу умуий овқатланиш таш- килотларида ушбу муаммо- лиқ етишмаётганидан дало- лат бериладими?

Агар ушбу умуий овқатланиш қорхоналарининг иш режими- ни такомиллаштириш, дам олувчиларга хизмат кўра- тиш бирмунча яхшиланган бўлур эди. Кисловодск шаҳ- ридида 22 та кафедалар фақат биттасидидагина иш ерталаб соат 7 дан бошланади. Курорт бўлидиги ҳамма қорхоналар кеч соат 8 да ёпилади. Ка- барда-Балқария ва Ставра- поль ўлкаси шаҳарларида ҳўрандаларга ҳўфондан ке- йин ва тунда хизмат қилади- ган бирорта ҳам қорхона йўқ.

Хўш, шу ва шунга ўх- шаб мисоллар дам олувчи- ларга хизмат кўрсатишни ях- шилаш имкониятлари борли- гини кўрсатиб турибди. Фа- қат шу имкониятлар ишга солинармикин?

В. БЕЛЯЕВ, (ТАСС).

Ташмачилар қўлга тушди

Идоралардан ташқари қоровуллик хизмати ходимлари апер- ьел ойнинг охиридада шаҳар халқ хўжалиги объектларида ўтказган текширишлар чоғида майда ўғирлик содир этган қў- йдаги ташмачилар қўлга тушди.

18 апрель кунини синтетик ювниш воситалари заводидан чиқаришда шу заводнинг машинистаси 1947 йилда ту- гилган Галина Ивановна Рома- нова ушланди. Унинг ёнидан 4 сўм 60 тийинлик натрий пре- парати чиқди.

Халқ суди қарори билан Г. И. Романовага 50 сўм жа- рима солинди.

Шу кунини «Ташэлектро- маш» заводи территориясида ҳеч қаредда ишламайдиган 1941 йилда туғилган Геннадий Алек- сандрович Герасимов ушланди. У 5 сўм 75 тийинлик саккиз килограмм «эмаль» бўғини ўғирламоқчи бўлган экан.

Халқ суди қарори билан Г. А. Герасимовга 40 сўм жа- рима солинди.

24 апрель кунини ишдан қайтган «Ташмострой» трестининг автомобиль сле- сари, 1960 йилда туғилган Убайдулла Пулатович Қорба- ев ушланди. У автомобилнинг олди ойинасини олиб чиқмоқчи бўлган эди.

Халқ суди қарори билан

У. П. Қорбаевга 50 сўм жари- ма солинди.

27 апрель кунини қорхона- дан чиқариб Тошкент тўқима- чилик комбинатининг назорат- чиси 1969 йилда туғилган Ка- ромат Мамадиёровна Турдиде- нова ушланди. Унинг ёнидан 10 сўм 82 тийинлик 15 метр газлама чиқди.

Халқ суди қарори билан К. М. Турдидевовага 20 сўм жа- рима солинди.

Шу кунини худди шу ерда Тошкент тўқимачилик комби- натининг яна бир назоратчиси 1969 йилда туғилган Фариди Мўминова Ташманова ушлан- ди. Унинг ёнидан 21 сўм 28 тийинлик 11 метр 58 сантиметр газлама чиқди.

Халқ суди қарори билан Ф. М. Ташмановага 35 сўм жари- ма солинди.

3. НАЖМИДИНОВ.

Муҳаррир Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

15 МАЙДАН ШАҲАР КИНОТЕАТРАРИ ЭКРАНЛАРИДА ҚУЙИДАГИ ЯНГИ БАДИЙ ФИЛЬМЛАР НАМОИШ ЭТИЛА БОШЛАЙДИ

«Тимсоҳ» Данди-2»

Сценарий муаллифлари — Пол ХОГАН, БРЕТТ ХОГАН. Режиссёр — ЖОН КОРНЕЛЛ. Ролларда: ПОЛ ХОГАН, ЛИНДА КОЗЛОВСКИ, МАРК БЛУМ ва бошқалар. АВСТРАЛИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРГАН.

Фильм саргузаштлари «Тимсоҳ» лақабли Данди» лентасининг давомидир.

Сьонинг собиқ эри бўлмиш фоторепортер Боб Тернер наркотик моддалар билан савдо қилувчи банд раҳбари Риконинг жонийотларидан ғувоҳлик берувчи суратларни олишга муваффақ бўлади. Боб суратларнинг негативини Нью-Йоркка Сьонга жўнатади. Бандитлар Сьонни ўғирлаб уни Риконинг яхши қўриқланадиган вилласига олиб кели- шади. Сьонинг қаёти эвазига Дандидан негативларни келтириб беришни талаб қиладилар. Аммо Данди қор- овуллари доғда қолдириб, виллага ниради ва Сьонни озод қилишга муваффақ бўлади. Полиция Сьонинг кўрсатма- лари ёрдамида Риконни қамай оламиз, деб умид қилади. Полиция Сьонинг ҳавфсизлигини таъминлашга қодир эмаслигига ишонч ҳосил қилган Данди уни Австралига олиб кетади. Рикон ўз қаллақасарлари билан уни таъқиб қилади. Данди ўзининг қаққолиги ва тоқирлигини яна бир бор намоиш этиб, бандитларни бир ёқли қилади.

«Мақола»



Сценарий муаллифи — Ю. КОРОТКОВ. Режиссёр — В. ВОЛКОВ. Ролларда: Л. АРИНИНА, Л. ТОТУНОВА, Н. ГУРЬЕВ ва бошқалар.

ТОРЬКНИ НОМИДАГИ КИНОСТУДИЯ МАҲСУЛОТИ.

Хозирги замон ёшларининг муаммолари ҳақида ҳикоя қилувчи картинанинг ҳақрамонлари — ўннич синф ўқув- чиларидир.

Тошкент шаҳар кинофильмлар прокати идораси, «СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИҲОК ИШЛАБ ЧИ- ҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛА- МА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚОРҲОНАСИ.

Ҳамза номидаги Ленин ордени Ўзбек давлат академик драма театри биносида

27 МАЙДАН 2 ИЮНГА

МЕХНАТ ҚИЗЛИ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ А. ЛОҲУТИН НОМИДАГИ ТОҶИҚ ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИНИНГ

Г А С Т Р О Л Л А Р И

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ:

27, 29 майда — ШОҲ ЭДИП Софокл (фюжиа)

28 майда, 2 июнда — ШУМ ЖИАН Ш. Солиҳов (2 пардали комедия)

30 майда — ИШҚ ФАРЕДИ Ф. Абдулло (2 пардали лирик драма)

31 майда — ЧОРАҲАДА Н. Табаров (2 пардали сатирик драма)

1 июнда — ҚАҲАСДАГИ КАКИК Т. Зулфизоров (2 пардали драма)

СПЕКТАКЛЛАРДА: СССР халқ артистлари, СССР Давлат мукофоти лауреати Асёл БУРҲОНОВ, Ҳошим ГАДОВЕВ.

Тожикистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: М. Камолова, А. Муҳаммадинов, У. Ражабов, Н. Ҳасанов ва театрининг бутун ижодий коллективи қатнашади.

Театрининг бош режиссёри — Тожикистон ССРда хиз- мат кўрсатган санъат арбоби Ҳушнзар МАЙБАЛИЕВ. Спектакль соат 19.30 да бошланади.

Касса 15 МАЙДАН бошлаб ишлайди.

Спектакллар рус тилига синхрон таржима қилинади. Коллектив бўлиб кўриш учун буюртмалар қабул қи- линади.

В. Н. СИВЕЦ НОМИДАГИ АВИАСОЗЛАР МАДАНИЯТ САРОЙИДА

16 МАЙ СОАТ 19.30 ДА

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЪ ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИНИНГ ЛАУРЕАТИ

«ПАРВОЗ» ХАЛҚ АНСАМБЛИНИНГ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Тошкент обласи Ленин комсомоли мукофотининг лау- реатлари:

СОАТ ШАРИПОВ, ҲУСАН НОСИРОВ

«ПАРВОЗ» ашула ва рақс ансамбли солистлари:

Махмуджон АЗИМОВ, Мансуржон МАМИРОВ;

РАҚСЛАРНИ САҲНАЛАШТИРУВЧИ: — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Насиба МАДРАҲИМО- ВА.

Концерт программасини — Соат ШАРИПОВ олиб боради.

Билетлар авиасозлар Маданият саройи кассасида соат 15.00 дан сотилади.

Телефонлар — 96-79-92, 96-79-70.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Лисунов кўчаси, 1/1.

...ПУСТИНИНГИЗ ХУДДИ ЯНГИДЕК БУЛАДИ!

Агарда Сиз пўстинингизни бизга кимёвий ишлов беришга топширсангиз, АЛБАТТА, БЕҲАД ХУР- САНД БУЛАСИЗ.

Бу ерда пўстинингизни тозалашда, мўйнасига жило беришда, антистатик ва хушбўй суюқлик- лар билан ишланади ва қарабиски, пўстинингиз яна яп-янги, чиройли, юмшоқ ва паркут тусини олади!

Буюртмалар барча қабул пунктлари ва улар- нинг филиаллари томонидан қабул қилинади.

Справкалар учун телефон: 53-20-54.

ТОШКЕНТ «ХИМЧИСТКА» ФАБРИКАСИ.



ТОШКЕНТ «ХИМЧИСТКА» ФАБРИКАСИ.

Реклама ва эълонлар

16 МАЙ СОАТ 10.00 ДА

«ПРИБОРЛАР» ВА ҲИ- СОВЛАШ ТЕХНИКАСИ СА- ЛОНИ» биносида

«ХИСОВГА ОЛИШ ТЕХ- НИКА ВОСИТАЛАРИ СИСТЕМАЛАРИ: рангли нурлангиш осцил- лографлари ва улар учун жиҳозлар, магнитографлар, магнит лентасида рақамлар- ни жамловчилар, плоттерлар мавзунда

СЕМИНАР

ЎТКАЗИЛАДИ

Кишиёвадаги «ВИБРО- ПРИБОР» ишлаб чиқариш бирлашмасининг вакиллари доқладлар билан чиқишади.

Қизиққан барча мутахас- сисларни семинар ишида қат- наштишга таклиф этилиши.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Ғ. Ғуллом кўчаси, 2- уй (4, 9, 11-трамвайларнинг «Оқтепа» бекати). Справка- лар учун телефонлар: 78-02-38, 78-40-43.

«ПАХТАКОР»

МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА

15 МАЙ СОАТ 19.00 ДА

СССР